


XVIII. ТУРИСТИК ОҒИМ

Мамлакатимиз ўзининг бой тарихий-маданий мероси, ноёб моддий ва номоддий маданий қадриятлари, меъморий обидалари билан жаҳонда алоҳида мавқега эга. Ўзбекистонда туризм соҳаси ривожланиши учун барча шароит ва имкониятлар мавжуд. Ушбу соҳа янги иш ўринларини яратиш, аҳоли фаровонлигини ошириш, валюта ва солиқ тушумлари кўпайишида муҳим аҳамиятга эга.

2020 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасига туристик мақсадларда келган чет эл фуқаролари сони 1214,0 минг кишини ташкил этди¹⁾.

2019-2020 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасига туристик мақсадларда келган чет эл фуқаролари ва кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, минг киши



Кетган Ўзбекистон
фуқаролари




Келган чет эл
фуқаролари

2020 йил январь-март ойларида туристик мақсадларда чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони 1435,3 минг кишини ташкил этди¹⁾.


¹⁾ Республикага келган ва кетганларнинг умумий сонидан бир киши бир неча марта ҳисобланиши мумкин ва бу алоҳида ҳолат сифатида ҳисобга олинади

2019-2020 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасига туристик мақсадларда келган чет эл фуқаролари сони, минг киши



2020 йил январь-март ойларида МДХ давлатларидан Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари 1160,4 минг кишидан иборат бўлиб, бу жами ташриф буюрганларнинг 95,6 % ини ташкил этади, узоқ хорижий давлатлардан эса 53,6 минг киши (ёки 4,4 %) ташриф буюрган.

2019-2020 йил январь-март ойларида туристик мақсадларда кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони, минг киши



2020 йил январь-март ойларида МДХ давлатларига кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 1331,0 минг кишидан иборат бўлиб, бу жами ташриф буюрганларнинг 92,7 % ини ташкил этади, узоқ хорижий давлатларга эса 104,3 минг киши (ёки 7,3 %) кетишган.

Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари сонининг таҳлилидан кўринадикки, 2020 йил январь-март ойларида 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 166,2 минг нафарга кам чет эл фуқаролари ташриф буюрган. Кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони, 2019 йил январь-март ойларида жами 1723,4 минг кишини ташкил этган бўлса, 2020 йилнинг мос даврида эса 1435,3 минг нафарни ташкил этди.

2020 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасига туристик мақсадларда келган чет эл фуқароларининг жинси бўйича тақсимланиши, % да



2020 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг 51,9 % (629,6 минг киши) эркаклар, 48,1 % (584,4 минг киши) аёлларни ташкил этади.

2020 йил январь-март ойларида туристик мақсадларда чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг жинси бўйича тақсимланиши, % да


Туристтик мақсадларда чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг 54,9 % ини (787,4 минг киши) эркаклар, 45,1 % ини (647,9 минг киши) аёллар ташкил этади.



2020 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасига туристик мақсадларда келган чет эл фуқароларининг сафар мақсадлари бўйича сони, минг киши

	Жами:	сафар мақсадлари:					
		хизмат юзасидан	ўқини	сайёҳлик	қариндошларни йўқлаш	даволланиш	тижорат
Жами	1214,0	8,7	3,9	113,5	1066,7	14,1	7,1
МДХ давлатларидан	1160,4	3,8	3,3	82,5	1054,8	14,1	1,9
Бошқа хорижий давлатлардан	53,6	4,9	0,6	31,0	11,9	0,0	5,2

2020 йил январь-март ойларида яқин хориж давлатларидан Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари сони



Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг асосий қисми Қозоғистон Республикасидан 397,6 минг киши (барча ташриф буюрганларнинг 32,8 %), Тожикистондан 332,7 минг киши (27,4 %), Қирғизистондан 298,1 минг киши (24,6 %), Россиядан 64,7 минг киши (5,3 %), Туркменистондан 60,6 минг киши (5,0 %), Озарбайжондан 2,0 минг киши (0,2 %) ва Беларусдан 1,2 минг киши (0,1 %) ташриф буюрган.

2020 йил январь-март ойларида узоқ хорижий давлатлардан Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари, % да



Туркия 1,1 %



Ҳиндистон 0,3 %



Жанубий Корея 0,4 %



Япония 0,1 %




Хитой 0,3 %



Франция 0,1 %

2020 йил январь-март ойларида узоқ хорижий давлатлардан
Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари, минг киши




Узоқ хорижий давлатлардан Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг асосий қисми Туркиядан 13,5 минг киши (1,1 %), Жанубий Кореядан 5,2 минг киши (0,4 %), Хитойдан 3,7 минг киши (0,3 %), Ҳиндистондан 3,6 минг киши (0,3 %), Япониядан 1,3 минг киши (0,1 %) ва Франциядан 0,9 минг киши (0,1 %), ташриф буюрган.

2020 йил январь-март ойларида сафар мақсадлари бўйича кетган Ўзбекистон
Республикаси фуқароларининг сони, минг киши

	Жами:	сафар мақсадлари:				
		хизмат юзасидан	ўқш	сайёҳлик	қариндошларни йўқлаш	даволашни
Жами	1435,3	18,0	49,8	116,1	1246,2	5,2
МДХ давлатларига	1331,0	17,1	47,0	24,1	1238,9	3,9
Бошқа хорижий давлатларга	104,3	0,9	2,8	92,0	7,3	1,3

2020 йил январь-март ойларида МДХ давлатларига кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони, минг киши



Чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг асосий қисми, яъни 35,8 % Қирғизистон Республикасига (513,3 минг киши), 34,2 % Қозоғистон Республикасига (491,2 минг киши), 18,5 % Тожикистонга (265,2 минг киши), 3,0 % Россияга (43,3 минг киши), 1,1 % Туркменистонга (15,5 минг киши), 0,1 % Озарбайжонга (1,4 минг киши) ва 0,1 % Беларусга (1,2 минг киши) ташриф буюрган.


2020 йил январь-март ойларида узоқ хорижий давлатларга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сони, минг киши



Хорижга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг асосий қисми Туркияга 30,8 минг киши, Саудия Арабистонига 27,8 минг киши, БААга 14,3 минг киши, Жанубий Кореяга 9,4 минг киши, Ҳиндистонга 5,0 минг киши, Таиландга 4,7 минг киши, АҚШга 2,0 минг киши ва Мисрга 1,6 минг кишини ташкил этган.

Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг асосий сафар мақсадлари бу – қариндошларни йўқлаш бўлиб, 87,9 % ни ташкил этади. Ўз навбатида, сайёҳлик мақсадида – 9,3 %, даволаниш мақсадида – 1,2 %, хизмат юзасидан - 0,7 %, тижорат учун – 0,6 %, ўқиш учун - 0,3 % чет эл фуқаролари ташриф буюрган.

**2020 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасига
туристик мақсадларда келган чет эл фуқароларининг
жинси ва сафар мақсадлари, % да**




2020 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг сафар мақсадлари бўйича тақсимланишидан кўриш мумкинки, уларнинг 3,9 минг нафари (улардан 46,2 % эркаклар, 53,8 % аёллар) ўқиш мақсадида, 7,1 минг нафари (80,3 % эркаклар, 19,7 % аёллар) тижорат мақсадида, 8,7 минг нафари (85,1 % эркаклар, 14,9 % аёллар) хизмат юзасидан, 14,1 минг нафари (46,1 % эркаклар, 53,9 % аёллар) даволаниш мақсадида, 113,5 минг нафари (52,2 % эркаклар, 47,8 % аёллар) сайёҳлик мақсадида, 1066,7 минг нафари (51,5 % эркаклар, 48,5 % аёллар) ўз қариндошларини йўқлаш мақсадида келган.


2020 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг ёши бўйича тақсимланишидан кўриш мумкинки, уларнинг 53,1 % и 31-55 ёшлилар, 19,5 % и 19-30 ёшлилар, 19,4 % и 56 ёш ва ундан катталар, 8,0 % ини 18 ёшгача бўлганлар ташкил этади.

Даволаниш мақсадида ташриф буюрган чет эл фуқароларининг 51,1 % и 31-55 ёшлилар, 21,6 % и 19-30 ёшлилар, 16,6 % и 56 ёш ва ундан катталар, 10,7 % ини 18 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Ўз қариндошларини йўқлаш мақсадида ташриф буюрганларнинг 52,6 % и 31-55 ёшлилар, 18,9 % и 19-30 ёшлилар, 20,1 % и 56 ёш ва ундан катталар, 8,4 % ини 18 ёшгача бўлганлар ташкил этади.

2020 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасига туристик мақсадларда келган чет эл фуқароларининг ёши бўйича тақсимланиши, % да




2020 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасига
туристик мақсадларда келган чет эл фуқароларининг ёши бўйича
тақсимланиши, минг киши




2020 йил январь-март ойларида келган 18 ёшгача бўлган чет эл фуқароларининг 50,4 минг нафари эркаклар ва 47,0 минг нафари аёллар, 19-30 ёшлиларнинг 151,9 минг нафари эркаклар ва 84,4 минг нафари аёллар, 31-55 ёшлиларнинг 333,3 минг нафари эркаклар ва 311,1 минг нафари аёллар, 56 ёш ва ундан катталарнинг 94,0 минг нафари эркаклар ва 141,9 минг нафари аёллардан иборат.

2020 йил январь-март ойларида туристик мақсадларда келган чет эл
фуқароларининг ёши бўйича тақсимланиши, % да




2020 йил январь-март ойларида келган 18 ёшгача бўлган чет эл фуқароларининг 51,7 % и эркаклар, 48,3 % и аёллар, 19-30 ёшлиларнинг 64,3 % и эркаклар ва 35,7 % и аёллар, 31-55 ёшлиларнинг 51,7 % и эркаклар ва 48,3 % и аёллар, 56 ёш ва ундан катталарнинг 39,8 % и эркаклар ва 60,2 % и аёллардан иборат.

2020 йил январь-март ойларида туристик мақсадларда кетган
Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафар мақсадлари бўйича
тақсимланиши, % да




2020 йил январь-март ойларида чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафар мақсадлари бўйича тақсимланишидан кўриш мумкинки, уларнинг 86,8 % и қариндошларини йўқлаш мақсадида, 8,1 % и сайёҳлик мақсадида, 3,5 % и ўқиш мақсадида, 1,2 % и хизмат юзасидан ва 0,4 % и даволаниш мақсадида кетган.

2020 йил январь-март ойларида чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси
фуқароларининг ёши бўйича тақсимланиши, % да



2020 йил январь-март ойларида чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ёши бўйича тақсимланишидан кўриш мумкин, уларнинг 48,1 % и 31-55 ёшлилар, 31,3 % и 19-30 ёшлилар ва 15,4 % и 56 ёш ва ундан катталар, 5,2 % ини 18 ёшгача бўлганлар ташкил этади.

2020 йил январь-март ойларида кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг жинси бўйича тақсимланиши, % да



2020 йил январь-март ойларида чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафар мақсадлари бўйича тақсимланишининг статистик таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг 5,2 минг нафари (улардан 46,2 % эркаклар, 53,8 % аёллар) даволаниш мақсадида, 18,0 минг нафари (92,2 % эркаклар, 7,8 % аёллар) хизмат юзасидан, 49,8 минг нафари (58,4 % эркаклар, 41,6 % аёллар) ўқиш мақсадида, 116,1 минг нафари (53,2 % эркаклар, 46,8 % аёллар) сайёҳлик мақсадида, 1246,2 минг нафари (54,4 % эркаклар, 45,6 % аёллар) қариндошларни йўқлаш мақсадида кетган.

Сайёҳлик мақсадида хорижда бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг 5,2 % и 18 ёшгача, 19,3 % и 19-30 ёшлилар, 51,8 % и 31-55 ёшлилар, 23,7 % ини 56 ёш ва ундан катталар ташкил этади. Хизмат мақсадларида ташриф буюрганларнинг 0,3 % и 18 ёшгача, 16,5 % и 19-30 ёшлилар, 71,4 % и 31-55 ёшлилар, 11,8 % ини 56 ёш ва ундан катталар ташкил этади.

Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Кирувчи туризм – кўрилаётган мамлакат доимий яшовчиси бўлмаган ташриф буюрувчининг кирувчи сайёҳлик сафари вақтидаги ушбу мамлакат доирасидаги фаолиятини ўз ичига олади.

Чиқувчи туризм – кўрилаётган мамлакат доимий яшовчиси бўлган ташриф буюрувчининг ушбу мамлакат доирасидан ташқарига чиқувчи ёки ички сайёҳлик сафарига доир фаолиятини ўз ичига олади.

Дўстларни ва қариндошларни кўргани бориш – бу тоифа ўз ичига, қариндошлар ёки дўстларникига ташриф буюриш; тўйларга, дафн маросимлари ёки бошқа ҳар қандай оилавий тадбирларга ташриф буюриш; бемор ёки қарияларни қисқа муддат давомида парваришlash ва бошқалар каби фаолият турларини камраб олади.

Таълим ва касбий тайёргарлик – бу тоифага, иш берувчи ёки бошқа ташкилотлар, шахслар томонидан тўланадиган қисқа муддатли курсларга қатнаш, тўлов асосида ўқиш, тилларни ўрганиш, касбий ёки бошқа махсус курслар, илмий таътиллارни қўшган ҳолда муайян ўқув дастурларини ўтиш ёки курсларда муайян малакага эга бўлиш ва ҳоказолар киради.

Даволаниш ва соғломлаштириш муолажалари – бу тоифа касалланишдан кейинги қўшимча даволаниш мақсадида шифохоналар, клиникалар, санаториялар, умумий спектрдаги тиббий ва ижтимоий муассасалар хизматидан фойдаланиш, денгиз ва бошқа курортларга, шунингдек, тиббий хизматдан фойдаланиш учун тиббий ускуна ва хизматларга асосланган косметик жарроҳликни қўшган ҳолда, тиббий маслаҳатга асосланган бошқа ихтисослашган муассасаларга қатнашни ўз ичига олади. Бу тоифа фақат қисқа муддатли даволанишдан иборат, чунки, даволаш муассасасида бир йил ва ундан ортиқ вақт давомида ётиб узоқ муддат даволаниш сайёҳлик соҳасига кирмайди.

Транзит – бу тоифага, бирор бир аниқ мақсадни кўзламасдан, бошқа белгиланган жойга бориш йўлининг давоми бўлган қандайдир жойда тўхташ киради. Ташриф буюрувчилар тоифаси қамрови орасидан фақат ҳукукий ва иқтисодий ҳудудга кирмайдиган, ҳамда ҳукукий ва иқтисодий ҳудудга кириб, кечасига қолмайдиган ташриф буюрувчилар чиқариб ташланади. Транзит йўловчилар қамровига фақат ҳеч бўлмаганда бир кечага қоладиган шахслар киритилади.

Ишга доир ва касбий мақсадлар – ушбу тоифага, мустақил равишда банд бўлган шахслар ва ёлланма ишловчилар фаолияти, агарда улар билан ташриф буюрилаётган мамлакат ёки жойдаги ишлаб чиқарувчи-резидент ўртасида аниқ ёки назарда тутилган ёлланма меҳнат муносабатлари белгилари мавжуд бўлмаса, сармоядорлар, ишбилармонлар ва ҳоказолар фаолияти киради.